




**Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгашининг
2021 йилдаги фаолиятига оид**


АХБОРОТНОМА





**Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгашининг
2021 йилдаги фаолиятига оид**

АХБОРОТНОМА



Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

***Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти***

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Судьялар корпусини шакллантириш	5
Судья ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар	12
Судьялар дахлсизлигини таъминлаш	13
Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш	15
Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик	21
«Суд фахрийси» кўкрак нишони	23
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил	24
Замонавий ахборот-технологияларни кенг жорий қилиниши	26
Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари	32
2021 йилда тасдиқланган идоравий ҳужжатлар	34
Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик	35
Нашр этилган китоб, журнал, тўплам, қўлланма ва рисоалар	40

КИРИШ

2021 йил нафақат Судьялар олий кенгаши фаолияти, балки суд тизимида алоҳида саҳифа очилган йил сифатида тарихда қолишига шубҳа йўқ. Чунки, Давлат раҳбарининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил, 7 декабрь) фармони ижроси тизимда катта бурилиш ясади. Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида судьялик лавозимларига муносиб кадрларни танлаш ва тайинлашнинг янги тартиби жорий этилди. Тайинловлар очиқ танлов ва муқобиллик, энг муҳими, ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунда инсон омили кескин чекланиб, танлов жараёни очиқ ва шаффоф ўтиши таъминламоқда.

Бундан ташқари, судьялик лавозимида номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ҳам ишга туширилди.

Судьялар фаолиятини электрон рейтинг орқали шаффоф баҳолашга оид тартиб ҳам одил судлов самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловга аралашувлар бўйича аниқ чоралар кўриш борасида Кенгаш ваколатлари кенгайтирилгани ҳам ўз натижасини бермоқда.

Юқорида қайд этилган фармонга биноан одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, пенсияга чиққан судьялар учун «Суд фахрийси» кўкрак нишони жорий этилди. 2021 йилда 66 нафар фахрийларимиз бундай эътибордан хурсанд бўлгани бизга ҳам қувонч бахш этади.

Тизимда коррупциянинг олдини олиш Кенгаш фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Кенгаш ҳузурида ташкил этилган “Ўзбекистон судьялар клуби” ҳам ўтган бир йилда шаклланиш босқичидан ўтиб, фаолиятини фаол тарзда йўлга қўйиб улгурди.

Қўлингиздаги “Ахборотнома” Кенгаш томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисобидир. Бу Кенгаш фаолияти ҳақида кенгроқ тасаввур беради, деган умиддамиз.




Судьялар корпусини шакллантириш

Фаолият кўрсатаётган судьялар ва вакант судьялик лавозими ҳақида маълумот

(2022 йил 1 январь ҳолати)

Судлар номи		Штат бирлиги	Шундан			
			Ишлаётган		Вакант	
Олий суд		73	72	98,6%	1	1,4%
Умумюрисдикция судлари		1103	1086	98,5%	17	1,5%
Шундан	Вилоят судлари	344	304	98,6%	4	1,2%
	Туманлараро, туман (шаҳар) судлари	759	746	98,3%	13	1,7%
Маъмурий судлар		143	140	97,9%	3	2,1%
Шундан	Вилоят судлари	73	72	98,6%	1	1,4%
	Туманлараро судлари	70	68	97,1%	2	2,9%
Ҳарбий судлар		12	12	100,0%		
ЖАМИ		1331	1310	98,4%	21	1,6%



Вакант судьялик лавозимлари кўрсаткичи динамикаси

Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш




2021 йил давомида 45 (46) маротаба мажлис ўтказилган бўлиб, унда жами 691 (1008) та масала муҳокама қилинган. Шундан, 653 (662) та судьялик лавозимига тайинлаш, 38 (27) та судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласи муҳокама қилинган.

Ўтказилган кенгаш мажлислари	Қўриб чиқилган масалалар	Шундан	
		Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи	Судьянинг ваколат муддатидан илгари тугатиш масаласи
45	691	653	38

2021 йил давомида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни судьялик лавозимига саралаш танловида иштирок этиш учун жами 120 та ариза келиб тушган. Шундан 46 та жиноят ишлари бўйича, 25 та фуқаролик ишлари бўйича, 32 та иқтисодий судлар, 14 та маъмурий судлар ҳамда 3 та ҳарбий судларнинг судьяси лавозимига иштирок этиш учун тақдим этилган.

Судлар номи	Жами муҳокама қилинган номзодлар	Шундан					
		Муносиб деб топилган		Номуносиб деб топилган		Рад этилган	
		сони	%	сони	%	сони	%
Олий суд	27	27	100%				
ЖИБ судлар	102	64	62.7 %	38	37.2%		
ФИБ судлар	124	79	63.7 %	45	36.2%		
Иқтисодий судлар	37	27	72.9%	10	27%		
Маъмурий судлар	19	13	68.4%	6	31.5%		
Ҳарбий судлар	1	1	100%				
Вилоят суди раиси	1	1	100%				
Конституциявий суд	1	1	100%				
Қайта тайинланганлар	341	247	72.4%			94	27.5%
ЖАМИ	653	460	70.4%	99	15.1%	94	14.3 %

Кенгашда муҳокама қилинган масалалар



Судьялик лавозимига тайинлаш масаласида муҳокама қилинган 653 (1008) нафар номзоднинг 460 (662) нафари ёки 70,4 (65,6) фоизи судьялик лавозимига муносиб деб топилган, 99 (199) нафари ёки 15,1 (19,7) фоизи судьялик лавозимига номуносиб деб топилган, 94 (41) нафари ёки 14,3 (4) фоизи қайта тайинлаш рад этилган.

Судьялик лавозимига муносиб деб топилган номзодлар	Беш йил муддатга	Навбатдаги ўн йил муддатга	Судьялик лавозимининг муддатсиз даврига	Қайта тайинланган
460	93	109	11	247

Бундан ташқари, 1 (1) нафар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимига, 26 (13) нафар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига, 65 (14) нафар вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, 1 нафар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ўринбосари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритилган.

12 (22) нафар судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритилган.

Ҳозирда Кенгаш томонидан янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этилган 53 (121) нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганилмоқда.

Судьялик лавозимига илк бор тайинладиган номзодларнинг муҳокамаси



Ўн йиллик муддатга тайинланган (сайланган) судьялар ҳақида маълумот



Ҳисобот даврида судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига **2021** йилда **109** (167) нафар номзод муносиб деб топилган.

Жумладан **22** (11) нафари Олий суднинг судьяси, **36** (77) нафари жиноят ишлари бўйича, **39** (47) нафари фуқаролик ишлари бўйича, **11** (32) нафар иқтисодий, **1** (34) нафари маъмурий суднинг судьяси лавозимига тайинлаш учун кўрсатилган.


Муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар бўйича маълумот

Судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига 11 (10) нафар номзод муносиб деб топилган. Хусусан:



Судьялик ваколати муддати даврига қайта тайинланган судьялар бўйича маълумот

247 (384) нафар судья ваколат муддати даврига бошқа судьялик лавозимларига қайта тайинланган бўлиб, шундан **70** (108) нафари жиноят, **67** (110) нафари фуқаролик, **18** (89) нафари маъмурий, **26** (76) нафари иқтисодий ва **2** (1) нафар ҳарбий судларнинг судьяси, **20** нафари вилоят суди раиси ҳамда **44** нафари вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларига қайта тайинланган.



2021 йилда фаолият юритган судьялар хақида маълумот

2021 йилда республика бўйича 1310 нафар судья фаолият юритган бўлиб, шундан 173 (157) нафарини ёки 13,2 (12,7) аёл судьялар ташкил этди.

Шу даврда ишлаб турган аёл судьяларнинг 28 нафари юқори лавозимларга тайинланган.



Жами судьяларнинг 615 нафари биринчи беш йиллик муддатга, 631 нафари 10 йиллик муддатга ҳамда 64 нафари муддатсиз даврда фаолият юритмоқдалар.






Тизимда 17 та юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга судьялар фаолият кўрсатади.

Қуйи судларда фаолият юритаётган 19 нафар судьялар 2021 йилда давлат мукофотлари билан тақдирланган.



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан **Бобохонова Нодира Алохоновна** қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, ва кўп йиллик самарали меҳнати учун «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Судьяларнинг ёши ҳақида маълумот



Судьяликка номзодлар учун ёш цензи судьялик корпусини ҳаётий тажрибага ва юқори салоҳиятга эга кадрлар билан шакллантириш мақсадида ўттиз беш ёшга ўзгартирилди.

Олий суд судьялари учун судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшни, бошқа судларнинг судьялари учун олтмиш беш ёшни ташкил этиши белгиланди.

Ёшга доир пенсияни судья сифатида камида 15 йиллик иш стажига эга бўлган эркалар — 60 ёшга тўлганда ҳамда аёллар — 55 ёшга тўлганда ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида олиши белгиланди.

2021 йилда судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш бўйича **1** нафар **65** ёшга тўлган судьянинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини узайтириш рад этилган.



Судья ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар


Судья ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясига доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилган.

Судьялар ва суд органлари ходимларининг уй-жойларини ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсация тўлаш бўйича аризаларга мувофиқ, 2021 йилда 244 нафар судьялар ва 113 нафар бошқарув ходимларига, жами 357 нафар шахсга 3,4 миллиард сўмлик пул компенсациялар тўлаб берилган. **2020 йилда** ушбу мақсадда жами 416 та судья ва ходимга 4.9 миллиард сўмлик компенсациялар тўлаб берилган.

Судьяларни ўзи яшаб турган ҳудудда судьяликка тайинлаш амалиёти натижасида жорий йилда 1.5 миллиард сўм бюджет маблағлари тежалишига эришилди.

Ҳозирги кунда, уй-жой ижара тўловларига ўртача бир ойда 282,6 миллион сўм сарфланмоқда.

Судьялар ва суд органлари ходимларининг уй-жойларни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси



Судьялик ваколати тугатилган судьялар учун уч ойлик компенсация тўловлари 2020 йилда **157 нафар судьяга** 2.2 миллиард сўм тўланган, 2021 йилда 35 нафар судьяга 740 миллион сўмни ташкил этган. Яъни, судьялик вакант ўринлар қисқа вақтда тўлдирилиши натижасида бундай тўловлар 2020 йилга нисбатан 122 та ҳолатга қисқариб, **1.5 миллиард сўм бюджет маблағлари тежалди.**



Судьялар дахлсизлигини таъминлаш

Судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар

Судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашиш бўйича 4 та ҳолат қайд этилган. Ҳар бир ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тегишли тақдимнома киритилганлиги натижаси бўйича 2 та ҳолат юзасидан жиноят иши, 2 таси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган..



Тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар

Жорий йилда масъулиятсизликка йўл қўйган ҳамда судьялар одоби кодекси талабларини бузган судьяларга нисбатан 220 (61) та интизомий иш қўзғатилган.

Шундан 12 (3) нафар судьянинг судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилган, 101 (32) нафар судьяга нисбатан “хайфсан”, 10 (2) нафар судьяга “жарима”, 39 (23) нафар “огоҳлантириш”, 58 та судьяга нисбатан интизомий иш берилган.

Қўзғатилган 220 интизомий ишларнинг соҳа судьялари бўйича ҳолати куйидагича:

Судлар номи	Интизомий иш қўзғатилган судьялар сони
Жиноят	92
Фуқаролик	90
Иқтисодий	27
Маъмурий	11

Жами

220

Интизомий ишларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳар суди (40 та), Қорақалпоғистон Республикаси суди (30 та), Қашқадарё вилоят суди (22 та), Фарғона вилоят суди (21 та), Андижон вилоят суди (20 та), Хоразм вилоят (18 та) судларига оиддир.

Жами ваколат муддати тугатилган судьялар

38

Ўз аризасига кўра

8

Вафот этганлиги муносабати билан

3

Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан

8

“Судьялар одоби кодекси” талабларини бузганлиги учун

8

Судьялик қасамёдини бузганлиги ва аризасига асосан

11

Кенгаш ташаббуси билан “Пушаймон” қисқа метражли фильм суратга олинди.

“Пушаймон” қисқа метражли фильмида иш фаолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетган собиқ судьянинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур фильм жойларда ўтказилган маърифий тадбирларларда судьяларнинг оила аъзоларига намоиш этилди. Бундан кўзланган мақсад инсоннинг камоли ва заволи ўртасида масофа бир қадам эканини очиб бериш орқали соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш. Шу билан бирга, таъсирчан фильмлар, асарлар орқали уларнинг маънавиятини юксалтиришдир.







Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш

Судьялар олий мактабида малака оширган судьялар сони


Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий судлар бўйича



Маъмурий судлар бўйича



182

нафар судьялар малака ошириш курсларида малакасини оширган.



493

нафар тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган.


Жиноят ишлари бўйича



Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий судлар бўйича



Маъмурий судлар бўйича



Жами 493 нафар тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган. Шулардан 311 нафарини (111 нафари жиноят ишлари бўйича, 112 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 42 нафари маъмурий, 46 нафари иқтисодий суд) судьялар, 182 нафарини (28 нафари жиноят ишлари бўйича, 28 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 70 нафари маъмурий, 56 нафари иқтисодий) суд аппарати ходимларидир.

Судьялар олий мактаби томонидан ўтказилган қисқа муддатли ўқув курслари



2021 йилнинг 25 январь – 5 февраль кунлари **“Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот”** мавзусида оммавий ахборот воситалари, судьялар ва блогерлар учун махсус ўқув курси ташкил этилди.

2021
25
январь

“Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот”

2021
26
январь

“Махсус билим талаб қилинадиган айрим турдаги жиноят ишларини (ЖК 167, 168, 184, 205, 210-моддалари) кўришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар”

2021
26
январь

“Суд амалиётида фирибгарлик ва ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш жиноятларини квалификация қилиш муаммолари”

2021
10
февраль

“Суд, тергов ва суриштирув тергов органлари малакаси, амалий кўникмалари ва маънавиятини юксалтириш зарурати”

2021
20
февраль

“Судлар ва тергов органлари ходимларининг малакаси, амалий кўникмалари ва маънавиятини юксалтириш, ягона суд амалиётини шакллантириб, суд қарорларининг барқарорлигига эришишнинг устувор йўналишлари”

Қорақалпоғистон Республикасида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харитаси ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 11-14 март кунлари Судьялар олий мактаби раҳбари ва мутахассислари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сайёр қисқа муддатли ўқув курслари ва ўқув машғулоти ўтказилди.



2020 йил 23-декабрда “Судьялар ва суд ходимларининг касбий ма-лакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш, шунингдек тизимида коррупциянинг барча кўринишларига мурасиз муносабатни шакл-лантириш” мавзусида фахрийлар, олим, ёзувчилар ҳамда диний идора вакиллари иштирокида давра суҳбати

февраль

6

Жиноят ишлари бўйича

Судьялар

300

Суд апарти ходимлари

350

февраль

13

Иқтисодий судлар бўйича

Судьялар

250

Суд апарти ходимлари

350

февраль

20

Маъмурий судлар бўйича

Судьялар

125

Суд апарти ходимлари

150

март

6

Фуқаролик ишлар бўйича

Судьялар

230

Суд апарти ходимлари

250

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари

апрель

3

Жиноят ишлари бўйича

Судьялар

100

Суд аппарати ходимлари

120

май

8

Иқтисодий судлар бўйича

Судьялар

150

Суд аппарати ходимлари

200

“Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одоб-ахлоқ кодексини амалий қўлланилиши ва фуқароларнинг судларга ишончини янада ошириш” мавзусида ҳудудларда ўқув семинар ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги йиғилиши баёни билан тасдиқланган “2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Чора-тадбирлар дастури”нинг 36-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **“Вояга етмаганлар билан боғлиқ суд ишларини кўриш”** қисқа мuddатли махсус ўқув курси дастури тасдиқланди.

июнь

22-23

Фуқаролик ишлари
бўйича

Тошкент шаҳри, Тошкент,
Сирдарё вилоятлари судлари
судьялари учун

июнь

29-30

Фуқаролик ишлари
бўйича

Самарқанд, Жиззах, Қашқа-
дарё, Сурхондарё вилоятлари
судлари судьялари учун

июнь

24-25

Жиноят ишлари
бўйича

Тошкент шаҳар, Тошкент,
Сирдарё вилоятлари судлари
судьялари



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгашининг 2021 йил 10 апрелдаги 17/10/9/30/134-сон қарорига асосан тасдиқланган **“Профилактика инспекторларини (шаҳар ва қишлоқ) моделлари асосида базавий касбий ўқитиш”** ўқув курслари бўйича Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда дарслар ўтилди.



Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларини эгаллаш учун бир йиллик магистратура босқичида ўқитилган, шундан судьялик лавозимига тайинланган номзодлар

2021 йилнинг 19-30 июль кунлари магистратура тингловчилари учун Якуний давлат аттестация синовлари ўтказилди. Якуний давлат аттестацияси синови натижаларига кўра

73	25	Жиноят ишлари бўйича	18	Фуқаролик ишлари бўйича
	18	Иқтисодий судлар бўйича	12	Маъмурий судлар бўйича
Нафар магистратура тингловчиси				



Жорий йилнинг 6 август куни судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг 2020/2021 ўқув йили битирувчилари учун **тантанали диплом топшириш** тадбири ташкил этилди. Тадбирда Судьялар олий кенгаши раиси, аъзолари ва Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Судьялар олий мактабининг Қабул комиссияси ташкил этилди. 2021 йил 24-25 август кунлари судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура ўқув курсига қабул қилиш учун синов имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра, 289 нафар даъвогардан 76 нафари Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қабул қилинди.



Раҳбарлик курслари ҳақида маълумот



Давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курсларида 2021 йилнинг 1 ноябридан 29 декабрь кунига қадар 14 нафар судья тахсил олди.



Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик



Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик Кенгаш фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

2021 йилда Кенгаш “Telegram” мессенжерда ўз каналини очди. Кенгаш веб-сайти ҳам янгиланди.

Ҳисобот даврида марказий телевидение, босма ва электрон нашрларда Кенгаш фаолиятига оид 278 та матнли, 99 та видеоматериаллар берилди. Шунингдек, 44 та танқидий материалларга ўз вақтида муносабат билдирилди.

Кенгаш раҳбарияти иштирокида беш марта матбуот анжумани ўтказилди.

Кенгаш матбуот котиби иштирокида ҳар ойда бир марта брифинг ўтказилиши анъанага айланди.

Матбуот анжуманлари ва брифинглар “Ўзбекистон 24”, “Uzreport” теленакаллари орқали тўғридан тўғри эфирга узатилди.

Бундан ташқари “Ozbekiston” телеканалининг “Муносабат” ток-шоусида икки марта Кенгаш фаолиятига оид махсус кўрсатув намойиш этилди.

Кенгаш фаолиятига оид ахборотлар “МҲ5”, “Севимли”, “Тошкент” телеканалларида, “Kun.uz”, “Daryo.uz”, “Xabar.uz”, UzA, “Nova24.uz”, “Bugun.uz” каби марказий ва етакчи интернет сайтлар ҳамда “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон овози”, “Одиллик мезони” каби босма нашрларда мунтазам ёритиб келинмоқда.



2021 йилда Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) ҳамкорлигида журналист ва блогерлар учун икки ҳафталик бепул ўқув курслари ташкил этилди. Якунда ўқув-машғулотларда иштирок 45 нафар тингловчига махсус сертификат ва **“Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасида конструктив мулоқот”** ҳуқуқий қўлланма тақдим этилди.



Судьялар олий кенгаши АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси билан ҳамкорликда **“Суд дахлсизлиги ва сўз эркинлиги: муаммо ва ечимлар”** мавзусида халқаро тадбир бўлиб ўтди.

«Минтақавий мулоқот» халқаронодавлат нотижорат ташкилоти **«Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабат»** мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.




Ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар

Судьялар олий кенгашининг Telegram ҳамда Youtube тармоқларида ўз расмий каналлари яратилиб, Кенгаш фаолияти ҳақида маълумот бериб борилмоқда.

 @Suydalaroliykengashi

 Sudyalaroliykengashi

 Sudyalaroliykengashi



☑ «Суд фахрийси» кўкрак нишони



Истиқлол байрами ва Бош қомусимиз қабул қилинган сана арафасида 66 нафар фахрийга «Суд фахрийси» кўкрак нишони ва гувоҳнома тантанали равишда топширилди.



Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил

	2020	2021
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	4173	5140
Суд қарорлари юзасидан	1911	3661
Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан	36	120
Бошқа масалалар юзасидан	2226	1359
Шикоят ва такрорий мурожаатлар	895	498
Ишонч телефонлари орқали	1735	1569
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	1835	2106

Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши


Суд қарорлари юзасидан келиб тушган **3661** (2020 йилда 1911) та шикоятдан **1415** (2020 йилда 723) таси фуқаролик, **1539** (2020 йилда 595) таси жиноят, **269** (2020 йилда 186) таси иқтисодий, **438** (2020 йилда 407) таси маъмурий судлар томонидан чиқарилган қарорларга тўғри келади.

Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра **28** (395) та мурожаат қаноатлантирилган, **4** (4) та мурожаат рад қилинган, **3503** (2602) та мурожаат тааллуқлилиги бўйича юборилган, **66** (58) та мурожаат кўрмасдан қолдирилган, **262** (200) та мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **1155** (896) та мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилган, **120** (18) та мурожаат бўйича Кенгаш ва жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан хизмат текшируви ўтказилган, **2** та мурожаат қолдиқ. Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **120** (2020 йилда 36) та

шикоятдан **40** (2020 йилда 16) таси фуқаролик, **52** (2020 йилда 7) таси жиноят, **11** (2020 йилда 1) таси иқтисодий, **17** (2020 йилда 12) таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Судьянинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **120** та мурожаатнинг **14** тасида мурожаатдаги важлар ўз тасдиғини топган бўлиб, **6** нафар судьялар лавозимидан озод этилган, **1** нафар ҳодим эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилган, **3** тасига “хайфсан” интизомий жазо чораси, **2** тасига “огоҳлантириш” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, асоссиз ва такрорий мурожаатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбир белгилаш учун Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларига юборилди.



Ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйганлиги, қўпол муносабатда бўлинганлиги ёки судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган **71** нафар судья билан суҳбат ўтказилиб, расман огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси томонидан 2020 йил мобайнида вилоят ва унга тенглаштирилган судларда **51** марта “Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш”га бағишланган йиғилишлар ўтказилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

СУДЬЯЛАРНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИДА
КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎРАСИДА

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизimini такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг оид суллоғига болган ишончига оидларига боғлиқ ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимига етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муноси кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судлар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги бу борадаги ишлар шаффофлигининг етарлича таъминланмаи қоллишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг чуқур ўрганиши ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдирish, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги [ПҚ-57/20](#) сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларга қўрилган мақсад ва ҳаётим қўшилган [Давлат дастури](#) қўрилган таъминлаш мақсади.


1. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимидagi коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари эътиб қўйилганлар белгилансин:

судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай жўрнингидagi таъсири таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш

судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда ҳолислик ва шаффоқлиқни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;

судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни янгилаш бўлиши ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муроғаси қилаётган ҳолат деб баҳолаш;

Электрон билет дастури



Номзод билет рақамини танлагандан кейин мониторга билет рақами ва ундаги саволлар матни чиқади. Билетдаги барча саволларга жавоб берилганидан кейин якунлаш тугмаси босилади.

Танланган билет рақами бошқа номзодлар танлови учун кўринмайди, яъни саволлар такрорланмайди.

Ахборот тизимига киритилган саволлар номзод тури ва суд ихтисослигига қараб автоматлаштирилган ҳолда билетларга тақсимланади.

Саволларни автоматлаштирилган ҳолда танлаш дастури ҳар сафар ишга туширилганда унга киритилган саволлар билетларга қайтадан тасодифий тақсимланади, яъни ҳар сафар билетлардаги саволлар алмашиб туради.

Кенгаш мажлиси якунлангандан сўнг дастурдаги саволлар шу мажлисда қайси билетларга тақсимланганлигини аниқлаш мумкин.

Номзод танлаган билет ва ундаги саволларни бошқа номзодлар ҳамда жамоатчилик вакиллари онлайн тарзда бевосита кузатиб бориши мумкин.

Электрон билет дастури <https://bilet.sjco.uz/> интернет манзилида жойлашган.




Имтиҳон жараёнларини онлайн ёритиб бориш

Илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйилди.

Имтиҳон жараёнларини нафақат муқобил номзодлар, балки номзоднинг ота-оналари ҳам кузатиб боришлари мумкин.

Судьялар олий кенгашининг Youtube тармоғидаги расмий каналида имтиҳон жараёнларининг онлайн трансляция қилиш имконияти яратилди.



Фуқароларни онлайн қабул қилиш

Судьялар олий кенгаши раиси ҳамда раис ўринбосари томонидан узоқ масофада яшовчи фуқаролар видеоконференция алоқаси орқали онлайн қабул қилинмоқда.



“Психологик тест” электрон дастури



Судьялик лавозимида номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга қўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилиб, синовдан мувофақиятли ўтгандан сўнг, тўлиқ ишга туширилди.

Судьялар олий кенгаши қарори билан “Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга қўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

“Психологик тест” электрон дастури ёрдамида шахснинг психологик ҳолатлари ва хусусиятлари баҳоланади.

Психологик тест натижаси профессионал психолог томонидан ўрганиб чиқилиб, тавсиявий характерга эга бўлган хулоса тузилади.

Хулосада тест топширган шахснинг психологик портрети ижобий, қониқарли ёки қониқарсиз деб баҳоланиши мумкин.

“Психологик тест” <http://pt.sjco.uz/> интернет манзилида жойлашган.


2021 йилда 191 нафар судья «Психологик тест» дан ўтган.

“Психологик тест” электрон дастури ёрдамида шахснинг қуйидаги психологик ҳолатлари ва хусусиятлари баҳоланади:



“Психологик тест” ечиш жараёни

Судьялар клубининг онлайн форуми



Судьялар клуби онлайн форуми <https://sudyalarklubi.uz/forum/> манзилида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 7 январдаги қарори билан Ўзбекистон Судьялар клуби тўғрисидаги Низом, Клубнинг масъул аъзолари ҳамда Клуб фаолиятига кўмаклашувчи ҳудудий вакиллар таркиби тасдиқланиб, Клуб ўз фаолиятини бошлади.

Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилди.

Муҳокамалар статистикаси

Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти	4529
Маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти	3087
Жиноят ишлари бўйича суд амалиёти	2112
Иқтисодий ишлар бўйича суд амалиёти	1718
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти	566
Кодексларга таклифлар	268
Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар	257
Аёл судьяларга тавсия ва маслаҳатлар	208
Бошқа мазмундаги таклифлар	205
«Одил судлов ва хотин-қизлар» йўл харитаси лойиҳаси	105



Судьялар клубининг электрон платформасида:

- судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш;
- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;
- ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга қўмаклашиш тизими яратилди.

Клубнинг онлайн форумида суд амалиётига оид 1941 та мавзу бўйича ўзаро 17056 маротаба фикр алмашилди, коррупцияга қарши курашиш бўйича 366 та таклиф муҳокама қилинди.

Форумда фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти 5521 марта, жиноят ишлари бўйича суд амалиёти 2564 марта, маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти 3800 марта, иқтисодий ишлар бўйича суд амалиёти 2046 марта, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти 663 марта муҳокама қилинган.


Форумда:

- судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиялар;
- одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар;
- судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар;
- судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;
- судьянинг маънавияти;
- суд тизимидаги янгиликлар ва судьялар учун эълонлар бўлимида мулоқот қилиш имкони яратилди.

Аёл судьялар учун алоҳида бўлим очилган.

Интернет тармоғида ташкил этилган Клубнинг расмий веб-сайти ҳамда каналлари ташкил этилди.


Судьялар олий кенгашининг расмий веб-сайти www.sudyalaroliykengashi.uz янгиланди.



Веб-сайтнинг ҳуқуқий ахборотлар бўлимида даврий нашрлар, ҳуқуқий мақолалар ҳамда адабиётлар жойлаштирилди.

Шунингдек, веб-сайта Кенгашининг матбуот хизмати томонидан янгиликлар, эълонлар ва видео-фото материаллар жойлаштириб борилади.

31



Логин

Пароль

Кириш

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Низомга кўра судьялар фаолиятининг самарадорлиги инсон омилиси ва аравашувиси 100 баллик баҳолаш тизимида асосий ва қўшимча мезонлар асосида баҳоланади.

Суд қарорларининг сифати, судьянинг масъулияти ва одоби, ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳамда судьянинг чет тилларини билиши асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгалиги ва касбий малака

оширганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судья ўз фаолияти самарадорлигининг рейтинг баҳоси ҳамда баҳолаш мезонлари бўйича кўрсаткичлари билан бевосита танишиб бориши имкониятини яратиш орқали баҳолаш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади.

Судьялар малака ҳайъатлари рейтингда ижобий натижаларга эришиш учун судьяларнинг касбий малакасини ошириш бўйича тегишли чоратadbirlарни амалга оширади. Судьялар олий кенгашининг ахборот тизимида <https://at.sjco.uz> манзили орқали кирилади.



Вилоят суди рейтинги

№	Вилоят номи	Рейтинг
1	Наманган вилояти	80,2
2	Сирдарё вилояти	79,4
3	Жиззах вилояти	79,2
4	Фарғона вилояти	78,0
5	Қорақарпоғистон Республикаси	77,3
6	Навоий вилояти	77,3
7	Андижон вилояти	77,1
8	Самарқанд вилояти	76,4
9	Бухоро вилояти	75,2
10	Хоразм вилояти	74,6
11	Сурхондарё вилояти	74,5
12	Қашқадарё вилояти	74,3
13	Тошкент вилояти	74,0
14	Тошкент шаҳар	73,4





2021 йилда тасдиқланган идоравий ҳужжатлар

№	Ҳужжатни тасдиқлаган қарор рақами ва санаси	Ҳужжат номи
1	2021 йил 4 августдаги 1601-сонли қарор	“Судьялар томонидан совғалар қабул қилинганлиги ҳақида хабар бериш, топшириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низом
2	2021 йил 12 июлдаги 1582-сонли қарор	«Ибратли судья» мукофоти тўғрисида Низом
3	2021 йил 12 июлдаги 1582-сонли қарор	«Суд фахрийси» кўкрак нишони тўғрисида Низом
4	2021 йил 6 майдаги 1542-сонли қарор	“Судьяликка номзодларнинг Судьялар олий мактабига кириш ва якунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси тўғрисида”ги Низом
5	2021 йил 6 майдаги 1543-сонли қарор	“Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом
6	2021 йил 8 июндаги 1567-сонли қарор	“Туманлараро, туман (шаҳар) суди раиси ва раис ўринбосари лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом
7	2021 йил 3 июндаги 1560-сонли қарор	“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялари ва ходимларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида” Йўриқнома
8	2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарор	Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом



Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик

Германия



2021 йил 14 апрель ва 5 май кунлари Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг иштирокида **“Судьялик лавозимига кадрларни танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш тизимининг шаффофлиги ҳамда коррупциянинг олдини олиш омили сифатида”** мавзусидаги онлайн семинар ташкил этилиб, германиялик экспертлар (судьялар) томонидан Германия мисолида судьяларни ўқитиш, танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ бўлган халқаро амалиёт таништирилди.)

(Ўтказилган онлайн семинар асносида судьялар фаолияти самарадорлигини очиқ ва ошкора баҳолаш (аттестация)ни электрон рейтинг орқали амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича Германия тажрибаси ўрганилди. Судьялар фаолияти қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади: профессионализм; малака; интизом; иш самарадорлиги; ахлоқий хулқ-атвор; масъулият; ахборот технологиялари билан ишлаш кўникмалари (аттестация).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига судьянинг дастлабки беш йиллик ваколат муддати тугаши муносабати билан уни лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига тайинлаш; қонун билан судьяларнинг мажбурий малака ошириш курслари сонини (камида йилига икки марта) белгилаш; фаолияти қониқарсиз деб топилган судьяларнинг малакасини ошириш тартибини жорий этиш; узоқ вақт бошқа соҳада фаолият юритган собиқ судьялар учун махсус ўқув курслари ташкил этиш; судьялар ва суд ходимлари, шунингдек фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида аноним сўровлар ўтказиш; Судьялар олий кенгаши инспекциясига ишларни автоматик равишда тақсимлаш тизими фаолиятига аралаштириш билан боғлиқ бўлган фактларни аниқлаш ваколатини бериш; коррупциянинг олдини олиш бўйича Судьялар олий кенгаши инспекциясининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган нормаларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимча кириштириш бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.




Россия Федерацияси



2021 йил 23 апрель куни ZOOM платформасида видеоконференция шаклида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши иштирокида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ва Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда “Жиноят ишлари юритувида дастлабки эшитув: Ўзбекистон ва Россия ҳуқуқни қўллаш амалиёти муаммолари” мавзусидаги халқаро ўқув-методик семинари ташкил этилди.

Семинарда Россия Федерациясидан иштирок этган экспертлар, жумладан судьялар ўзининг мазкур институтни қўллаш амалий тажрибаси ва ушбу жараёнда юзага келган муаммолар билан ўртоқлашди.

Семинар натижаларига кўра, дастлабки эшитув ўтказиш муддатлари Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган процессуал ҳаракатлар ҳажмига мос келмаслиги қайд этилди.



Америка Қўшма Штатлари



2021 йил 17-19 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги лойиҳаси доирасида Испаниялик экспертни жалб этган ҳолда Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактаби аъзолари учун бағишланган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ривожлантиришнинг Стратегик режасини ишлаб чиқиш бўйича тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчилар испаниялик тренер раҳбарлигида Судьялар олий кенгаши фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишди. Тренинг якунлангач Судьялар олий кенгаши эксперт билан ишлашни давом эттирди ва Стратегиянинг якунинг таҳрири борасида унинг фикр-мулоҳазаларини олишди. Унда Стратегиянинг мақсадлари, ҳозирги вақтдаги ҳолати, вазифалари ва ундан кутилаётган натижалар, зарур бўлган ресурслар, шунингдек, асосий иштирокчилар ва мақсадга эришиш механизмлари белгилаб берилди. Стратегиянинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

1. Суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

2. Фуқароларнинг суд тизимига ишончини ошириш;
3. Судьялар мустақиллигини таъминловчи самарали механизмлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
4. Судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;
5. Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш;
6. Суддаги иш юкмасини ҳисобга олган ҳолда суд ходимларини унга мослаштириш чораларини кўриш.



2021 йил 13 октябрда Судьялар олий кенгаши биносида Ўзбекистонда халқаро ривожланиш бўйича “Суд органларини мустаҳкамлаш дастури”нинг (USAID) имплементатори East West Management Institute (EWMI) Вице-президенти Марк Дитрихом билан суд ҳокимиятининг профессионаллиги ва ҳолислигини кучайтириш, очиқлик ва фуқароларнинг суд тизимига ишончини мустаҳкамлаш борасидаги қатор тадбирлар ўтказиш белгиланган учрашув бўлиб ўтди.

2021 йил 26 октябрда Судьялар олий кенгаши биносида «**Минтақавий мулоқот**» Халқаро ноҳукумат ташкилоти директори, Мьюши Север филиали катта маслаҳатчиси, Ўзбекистондаги “Минтақавий мулоқот” филиали раҳбари Петра Горюп билан ҳамкорликка бағишланган бир қатор потенциал лойиҳа ва тадбирларга йўналтирилган масалалар муҳокама қилинди, натижада қуйидаги асосий таклифларни назарда тутувчи ҳамкорликнинг мумкин бўлган кўринишлари ва “**Минтақавий мулоқот**” томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг “йўл харитаси” лойиҳаси тайёрланди:



1. Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги аёл судьяларга ёрдам кўрсатиш;

2. Судьялар ва ОАВлар ўртасидаги муносабат ва алоқаларни яхшилаш ва мустаҳкамлашда Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактабига кўмаклашиш;

3. Айбини тан олиш тўғрисидаги келишувни тан олиш ёки рад этиш, шунингдек, айбини тан олиш тўғрисидаги келишув билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этишга бағишланган ҳудудий семинарларни ташкил этиш ва (судьялар раҳбарлигида) ўтказишга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистонлик кичик судьялар гуруҳига тренинглار ўтказиш;

4. Судьялар олий кенгаши ўқитувчиларига Ўзбекистондаги, келгусида эса Марказий Осиё минтақасидаги судьяларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашиш;

5. Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий кенгашига зарурат туғилганда суд қарорларида акс эттирилиши керак бўлган халқаро стандартлар ва нормаларнинг судлар томонидан қандай қўлланилаётганига бағишланган бир қатор муҳокамалар ҳамда бир ёки иккита семинар ўтказишга кўмаклашиш.



Эстония



2021 йил 27 ва 29 октябрда Судьялар олий кенгаши иштирокида Марказий Осиёдаги ҳуқуқ устуворлиги бўйича “Шаффофликни таъминлаш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш” дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш

агентлиги томонидан ташкил этилган **“Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари учун одоб-ахлоқ ва ҳалоллик бўйича вебинар”** ва “Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари учун манфаатлар тўқнашуви бўйича вебинар” мавзуларида онлайн семинар ўтказилди.


Ушбу вебинарлар давомида Европа кенгаши (Эстония) экспертлари иштирокчиларни қуйидаги мавзулар билан таништирдилар: “Давлат хизматчилари учун одоб-ахлоқ: асосий тамойиллар ва ғояларга умумий нуқтаи назар. Касбий этика нормалари, уларнинг мазмуни ва асослари”; “Ҳалолликни текшириш: халқаро тажриба”; “Манфаатлар тўқнашуви: олдини олиш ва тартибга солиш: Халқаро стандартлар – асосий қоида ва тушунчалар”.

Корея Республикаси



2021 йил 29 октябрда Судьялар олий кенгаши биносида Корея Республикаси Олий суди делегациясининг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифи доирасида Корея олий суди

раиси Ким Мён Су билан учрашув бўлиб ўтди, унда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий институти сифатида суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўқув, илмий-амалий ва ахборот таъминоти орқали Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларини рағбатлантиришга оид тадбирларни амалга оширишда ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи ушбу икки давлат суд органлари ўртасидаги яқин истиқболга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик стратегиялари белгилаб олинди.




ҚОЗОҒИСТОН



2021 йил 24 ноябрда Қозоғистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши ва Ҳуқуқ орқали Демократия учун Европа кенгаши (Венеция комиссияси) ҳомийлигида “Суд тизимида судьялар кенгашларининг ўрни ва уларнинг замонавий моделлари” мавзусида онлайн халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Судьялар олий кенгаши “Ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил татбиқ этган ҳолда судьялик лавозимларига кадрларни танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш тизимининг ҳолислиги ва шаффофлигини таъминлаш” номли маъруза билан иштирок этди.

Мазкур давра суҳбатида Судьялар кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича халқаро тажриба ва амалиёт, кенгаш мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ролини оширишга қаратилган халқаро тавсиялар тақдим этилди.



ИНДОНЕЗИЯ




2021 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши биносида Индонезия Республикаси Конституциявий суди делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи доирасида Индонезия Республикаси Конституциявий суди раиси ўринбосари Асванто билан унда икки давлат органлари фаолияти ва икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти муҳокамасига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.





Нашр этилган китоб, журнал, тўплам, қўлланма ва рисолалар



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тизим тарихида биринчи марта **“Ўзбекистон аёл судьялари”** тўплами ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатётган барча аёл судьялар ҳақида ихчам маълумотлар жамланган.

Тўплам дунё ҳамжамиятига аёл судьяларимизни таништириш, шунингдек уларга ҳурмат-эҳтиром рамзи ва Халқаро хотин-қизлар кунига тўхфа сифатида тайёрланди.



«Судья маънавияти, одоби ва масъулияти» китоби тайёрланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 декабрдаги «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида таёрланган мазкур китобда асосий эътибор судьялик касбининг маънавий-ахлоқий қирраларига қаратилади. Тўплам нафақат судьялар, юридик йўналишда таълим олаётган талабалар учун муҳим қўлланма, балки афкор омма учун ҳам бирдай қизиқ ва фойдалидир. Адабиёт, тарих, фикҳ, мусулмон ҳуқуқшунослиги сарчашмалари, азиз-авлиёлар ҳаётига оид ўнлаб ҳикоят-у ривоятлар, халқ мақоллари-ю файласуфлар фикрлари ҳар қандай талабчан китобхонни бефарқ қолдирмайди. Китоб соҳа мутахассислари билан бир қаторда, жамиятдаги ҳар бир онгли одамни хайрли амаллар қилишга ундайди.



“Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши” деб номланган қўлланма тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. Мазкур тўпламдан нафақат суд ишларини юритишда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, балки Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларнинг мамлакат ичида ва ташқарисида ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Қўлланма судьялар, суд ходимларидан ташқари судьялик лавозимига номзодлар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва соҳага қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.



“2017-2021: суд ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар самараси” рисоласи

Кенгаш ташаббуси билан **“2017-2021: суд ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар самараси”** рисоласи чоп этилди. Рисолада ўтган қисқа даврда тизимда амалга оширилган ислоҳотлар ва унинг натижалари аниқ рақам, факт ва таққослар геометрик ва график дизайн шакллар орқали ўқувчига ҳавола этилади. Бу эса амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради.




“Судга мурожаат қилиш тартиби” рисоласи

Ушбу рисолада республикаimizдаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, иқтисодий ҳамда маъмурий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм ва ажримлар устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, судга мурожаат қилишга оид ҳужжатлардан намуналар, давлат божи тўлаш тартиби ва бошқа шу каби маълумотлар ҳам акс этган.

Рисола судларга мурожаат қилувчи фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, юридик шахсларнинг вакиллари ҳамда суд фаолияти билан яқиндан танишиш истагида бўлган бошқа шахслар учун мўлжалланган.

Рисоланинг электрон шакли Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг www.sudyalaroliykengashi.uz веб-сайтига жойлаштирилган.





“Менинг ҳуқуқларим, менинг бурчларим” китоби нашр этилди.

Мазкур тўплам ўсмирлар учун ҳуқуқий қўлланма бўлиб, ёш авлоднинг ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида кенг тасаввур олиш имконини беради.

Инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор қонунлар тўплами ҳажман катталиги сабабли мазкур рисолада уларнинг энг асосий ва муҳим қоидалари суратлар воситасида содда тилда баён этилган.

“Odillik mezonі” илмий-амалий ва ҳуқуқий журнали



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 1 февралда “Odillik mezonі” илмий-амалий ва ҳуқуқий журнали оммавий ахборот воситаси сифатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0972-сонли гувоҳнома билан Давлат рўйхатдан ўтказилган.

Журналда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, Судьялар олий кенгашининг фаолияти, Судьялар олий мактабининг судьяларни

тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга қаратилган амалий ишлари таҳлили доимий равишда ёритиб келинмоқда.

Жумладан, 2021 йил давомида ҳар ойда бир марта нашр этиладиган мазкур журналнинг 12 та сони 2000 дондан зиёд ададда нашр этилиб, судьяларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига, Судьялар олий мактаби тингловчиларига ҳамда обуначиларга мунтазам етказиб берилди.

“Odillik mezonі” илмий-амалий ва ҳуқуқий журналида ўтган йил давомида ўзбек тилида 300 дан ортиқ, рус ва инглиз тилларида 100 га яқин мақолалар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Таҳрир кенгаши томонидан 2022 йилда журнал таҳририяти ижодий фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва такомиллаштириш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши фаолиятига оид
АХБОРОТНОМА